МУСТАҚИЛЛИК ЗАРВАРАҚЛАРИ

8 июль Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хельсинкида ЕХҲКда нутқ сўзлади.
1992 йил

2 сентябрь Олий Кенгаш XIII сессиясида "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида" Қонун қабул қилинди.
1993 йил

25 август Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан халқ ёзувчиси (марҳум) Абдулла Қодирий (Жулқунбой) "Мустақиллик" ордени билан мукофотланди.
1994 йил

12 март Ўзбекистон Республикаси Президенти Копенгагенда олий даражадаги учрашувда нутқ сўзлади.
15 сентябрь Тошкентда Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш-семинар ўтказилди.
1995 йил

27-29 март Ўзбекистон Республикаси Президенти Вьетнам Социалистик Республикасида расмий сафарда бўлди.
21-25 апрель Ислом Каримов Парижда ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясида нутқ сўзлади.
1996 йил

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 13 август, сешанба № 105 (22.026).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзаро текширишлар давом этмоқда

...НУҚСОНЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Элда шундай удум бўларди: ишчилар бир-бирларининг ишларини кузатишар, ютуқларидан биргалашиб қувонишар, нуқсонларни ҳамкорликда бартараф этишарди. Уч кундирки, Сирдарё вилоятининг бир гуруҳ қишлоқ хўжалиги мутахассислари қўшни, мусобақадош Жиззах вилояти пахтакорларининг бунёдкорлик ишлари билан танишмоқдалар. Уларнинг дастлабки таассуротлари шуки, жиззахлик пахтакорлар бултур йўл қўйган хатоларидан хулосалар чиқариб меҳнат қилмоқдалар. Агар ҳосилга-ҳосил қўшишда ҳал қилувчи август ойи ичида ғўза парваришини сусайтирмай, ривожланишдан орқада қолаётган баъзи пайкалларда табақалаб парваришни давом эттирсалар, кўзланган 260 минг тонналик хирмон сўзсиз тикланади.

Вилоятнинг аксарият хўжаликларида ана шу ишонч ва умид билан меҳнат қилинмоқда.

Мусобақадошлар Дўстлик туманидаги «Оқолтин», Мирзачўл туманидаги Сегизбоев номли, Абай номли, Арнасой туманидаги «Самарқанд», Зафаробод туманидаги С. Раҳимов номли, «Ҳамдўстлик», Пахтакор туманидаги «Навбаҳор» ва бошқа ижара ширкатлари бирлашмалари пахтакорларининг ишлари билан танишарканлар, бунга ишонч ҳосил қилдилар. Улар ана шу хўжалик далаларида кўзланган ҳосил яратилаётганини қониқиш билан эътироф этдилар.

Бироқ, Дўстлик туманининг «Манас» ижара ширкатлари бирлашмаси далаларида бегона ўт борлиги, «Дўстлик» ижара ширкатлари бирлашмасида қатор ораларини юмшатишда кечикишга йўл қўйилгани, Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» ширкат бирлашмасида анчагина ғўзалар бегона ўт исканжасида қолгани устига чорва моллари пайхон этаётгани меҳмонларнинг синчков назаридан четда қолмади. Дўстлик туманидаги Саркисов номли ширкат бирлашмасининг 10 гектарга яқин пахтазори сувталаб, қарийб шунча пайкали бегона ўт исканжасида, Арнасой туманидаги «Фарғона», «Қозоғистон», «Олтин водий» ширкат бирлашмаларида ҳам 10-15 гектар майдонни бегона ўт босган, ғўзаларни чилпиш кечикяпти, баъзи жойларда зарарли ҳашаротлар кўзга ташланади. Зафаробод туманининг Ҳ. Олимжон номли, «Уч қаҳрамон» хўжаликларида ғўза ёншохлари тўла чилпилмаган, йиғим-терим техникасини созлаш суст боряпти. Бундай камчиликлар Пахтакор, Жиззах, Зарбдор ва Зомин туманлари хўжаликларида ҳам кўзга ташланади.

— Вилоят пахтазорларида кўзланган ҳосил яратилган, — дейди ўзаро текшириш гуруҳи бошлиғи, Сирдарё вилоят агросаноат уюшмаси раиси Олимжон Мирҳабибов. — Бироқ, кўрсатилган хато ва камчиликлар тезда тузатилмаса, ана шу хўжаликларнинг пахтакорлари марра йўлида қийналиб қоладилар.

Сирдарёлик тажрибакорлар бу хато-камчиликлар нималардан иборат ва уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини аниқ кўрсатиб бердилар.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОЗОНДА БОР, ЧЎМИЧДА-ЧИ?.. *яккама-якка*

Вазирлар Маҳкамасида олти ойлик якунларга бағишланган мажлисда муҳим вазифалардан бири экспортни кенгайтириш деб айтилди. Натижалар таҳлил қилинганда шу нарса аён бўлдики, ҳамон экспортнинг асосий қисмини хом ашё ташкил этмоқда. Ахир қуёшли диёримизда етиштирилаётган мева-сабзавотларни қайта ишлаб, қанчадан-қанча экспортбоп маҳсулот тайёрлаш мумкин. Гўё қозонда бору чўмичга чиқмаётгандай. Хўш, нега шундай бўляпти? Шу каби саволларга жавоб олиш учун «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси раиси Б. НОСИРОВга мурожаат қилдик.

— Баҳром Нозимович, аввало мажлисда билдирилган танқидни уюшма қандай қабул қилганлиги ҳақида гапирсангиз...

— Танқид жуда тўғри бўлди. Биз корхоналар раҳбарларини йиғиб навбатдаги вазифаларни кенгаш мажлисида гаплашиб олдик. Тезкорлик билан икки ой (август-сентябрь) учун топшириқларни белгилаб олдик.

Ҳеч кимга сир эмаски, уюшмамиз тизимидаги корхоналар хорижга маҳсулот жўнатишни мустақиллик йилларида кенгроқ ўзлаштирмоқдалар. Илгари собиқ Иттифоқ республикаларига «марказ»нинг буйруғи билан маҳсулот «поставка» қилинар эдики, бу топшириқлар кўп ўйлаб ўтирмасдан бажарилди. Эндичи? Хорижий мамлакатга юборилаётган маҳсулот сифатига талаб жуда катта. Лекин амалдаги технологияларимиз ҳамон эскича. Шундай бўлса-да, четга чиқарилаётган маҳсулот миқдори йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, 1994 йилда бор-йўғи 300 минг долларлик маҳсулот жўнатган бўлсак, бу рақам ўтган йили 5,5 миллион долларни ташкил этди. Жорий йилда жами 15 миллион 120 минг долларлик маҳсулотни четга экспорт қилишни кўзда тутганмиз.

— Технологиялар эски бўлса, қандай қилиб бу марралар эгалланади?

— Ҳозирги пайтда кўпгина заводларимизда ускуналарни тубдан замонавийлаштиряпмиз. Андижон вилоятида, Шаҳрисабз, Ғазалкент консерва заводларида ва бошқа қатор корхоналаримизда мукаммал асбоб-ускуналар ишга туширилади, натижада экспортбоп маҳсулот салмоғи кескин ошади. Биргина Шаҳрисабздаги корхона ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда қоғоз пакетга шарбат қуйиш бўйича линияни жорий этадиган қўшма корхона вужудга келади.

Президентимиз шунчаки мева-сабзавот маҳсулотини эмас, балки қайта ишланган ноз-неъматни четга экспорт қилиш зарурлигини жуда тўғри таъкидладилар. Бу вазифани бажаришимиз учун ҳукумат яқиндан ёрдам беряпти. Шу йил апрель ойида автокомпаниямиз 185 та «Мерседес-бенц» машиналари билан бойиди. Агар май-июнь ойларида 13 минг тонна маҳсулот ташилган бўлса, унинг 8.4 минг тоннаси четга жўнатилди. Яқин вақт ичида корхоналаримизга бериладиган кредит фоизини камайтириш масаласи ҳам ҳал этилиш арафасида турибди. Сентябрь ойидан четга олма шарбати жўнатишни бошламоқчимиз. Бу маҳсулотнинг ўзи мамлакат хазинасига 7,5 миллион доллар туширади.

Маҳсулот етиштириш, қайта ишлашдан ташқари яна бир муаммо борки, у —жаҳон талабларига мос келувчи идишлар ишлаб чиқаришдир. Ҳозир четдан маълум қисм идишларни оляпмиз, келажакда Қувасойдаги завод қайта таъмирлангандан сўнг ишимизда туб ўзгаришлар бўлиши керак.

Шуҳрат ЖАББОРОВ
суҳбатлашди.

ГУРУҲЛАР ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан, махсус тарғибот гуруҳларини ташкил этишга қарор қилган эди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан келишилган ҳолда, таниқли олимлар, адиблар ва партия фаолларидан шакллантирилган гуруҳлар мамлакатимиз вилоятларига юборилди. Улар меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат жойлари, ўқув юртлари, бошланғич партия ташкилотларида бўладилар, республикамизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини, Президентимиз И. А. Каримовнинг маърузалари, нутқлари ва асарларида баён этилган қоида ҳамда хулосалар, ХДП дастурий ғоялари, унинг Миллий истиқлол мафкураси мазмунини тарғиб этадилар, байрамга бағишланган тадбирларда иштирок этадилар.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Республикада нақд пул маблағлари эмиссияси ва касса режаси белгиланган даражасининг 1996 йилнинг июль ойидаги бажарилиш якунлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, тижорат банклари, солиқ органлари ҳамда пулли хизматлар кўрсатувчи бошқа вазирликлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 2 июлдаги 230-сон қарори билан белгиланган параметрларни бажаришга оид изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Умуман республика ва Тошкент шаҳри бўйича нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтиришнинг прогноз кўрсаткичларини бажаришга эришилди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва кўпгина вилоятлар ҳокимликлари нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтиришга доир белгиланган прогнозларнинг бажарилишини таъминлай олмадилар.

Кўрсатиб ўтилган қарорнинг 4-бандига ва «Республика минтақаларида нақд пул маблағлари эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режалари бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ касса прогнозларининг 1996 йил июль ойидаги бажарилиш натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари ва Давлат солиқ қўмитасининг ўз минтақавий бўлинмалари мансабдор шахсларига нисбатан кўрсатиб ўтилган Низомга мувофиқ тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов, унинг ўринбосарлари — Р. Ф. Файзуллаев ва Р. М. Шоабдураҳмонов 1996 йилнинг июль ойидаги касса режаси ҳамда нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозларини ошириб бажарганликлари учун ойлик лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида мукофотлансинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва унинг ўринбосарларига, шунингдек вилоятларнинг ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига нақд пул маблағлари эмиссияси даражасининг ҳамда касса режаларининг белгиланган прогнозларини бажармаганликлари учун ойлик лавозим маошига нисбатан иловага мувофиқ миқдорларда жарима солинсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг, шунингдек «Ўзбексавдо», «Ўзмаишийхизмат», Ўзбекбирлашув уюшмалари, «Ўзавтотранс» корпорацияси, Алоқа вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа вазирликлари ва идоралари раҳбарларининг эътибори жойлардаги истеъмол бозорини кундалик эҳтиёж товарлари билан тўлдириш, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ва нақд пулларнинг айланишини жадаллаштириш ҳисобига аҳолига жорий тўловларни таъминлаш бўйича ишларнинг қониқарсизлигига қаратилсин.

5. Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси (Ф. М. Муллажонов) ва Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Қ. Гатаулин) вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда эмиссия даражасини пасайтириш прогнозларининг изчил бажарилиши устидан назоратни кучайтирсинлар. Нақд пулларнинг банкдан ташқари муомалада бўлишини кескин камайтириш, хўжалик юритувчи субъектларга тушумларни тўлиқ ва ўз вақтида инкассация қилиш бўйича қўшимча рағбатлар яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ўн кун муддатда ишлаб чиқсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 12 август.

«ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ — БЕТАКРОР ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА» ТУРКУМИДАГИ УЧИНЧИ МАҚОЛАНИ 2-БЕТДА ЎҚИНГ

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 августдаги қарорига ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига 1996 йил июль ойидаги нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозлари ва касса режасининг бажарилиши натижалари бўйича солинадиган жарима МИҚДОРЛАРИ

Вилоятлар номи	Вазирлар Кенгашининг раиси ва ҳокимлар	Ҳокимларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари	Ҳокимларнинг халқ истеъмол товарлари, савдо ва пулли хизматлар бўйича ўринбосарлари	Жарима миқдори, иш ҳақига нисбатан фоизларда
Қорақалпоғистон Республикаси	Авезматов С. Й.	Қошкарбоев Д.	Бектурдиев Б.	10
Андижон	Обидов Қ. Ғ.	Иброҳимов Ш. Ғ.	Қаюмов М. К.	20
Бухоро	Раҳмонов М. Р.	Тўхтаев Ф. Н.	Жданов В. В.	20
Жиззах	Тошкенбоев А. Ҳ.	Ҳакимов З. Ҳ.	Узоков Б. У.	20
Қашқадарё	Пармонов О. Д.	Насимов Р. Н.	Лихин А. Л.	20
Навоий	Ғаффоров Ҳ. Р.	Халимов А. Р.	Бердиев Э. Ш.	20
Наманган	Рапиғалиев Б.	Нажмиддинов И. Ҳ.	Маматқулов Э. Р.	20
Самарқанд	Мардиев А. М.	Умаров А. У.	Умаров Ш. Ҳ.	20
Сирдарё	Ҳасанов Ғ. Б.	Кровнов А. Н.	Раҳимов Т. А.	20
Сурхондарё	Норалиев Ж.	Аҳмедов А. А.	Аҳмедов К. Ҳ.	20
Тошкент	Рўзиев З. М.	Ҳосилов Б. А.	Асадов Ҳ.	20
Фарғона	Исломов М. Й.	Ҳайдаров Ҳ. У.	Эргашев Б. М.	20
Хоразм	Юсупов И.	Султонов Ж. С.	Раҳимов К.	20

ОЗИҚ-ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШДИ

ҲИНДИСТОН. Бомбей ресторанларидан бирида озиқ-овқат маҳсулотларидан хўрандалар заҳарланишди.

Маълумки, сабзавот маҳсулотлари иссиқ ҳарорат натижасида айниб қолиши хўранда заҳарланишига олиб келади. Лекин айрим сабзавот экинлари уруғининг заҳарли эканлиги ҳам фанга маълум. Бу ҳақда кўпда гапиравермаймиз, холос. Гуручни қайта ишлаш жараёнида ёввойи, заҳарли ўсимлик уруғлари аралашиши ҳам шундай оқибатларга олиб келади.

Ресторан хўрандаларидан 25 нафари гуруч ва сабзавот солинган озиқ-овқатдан заҳарланиб ўлди, деб хабар қилади Ҳиндистон янгиликлари якшанба кунги ахборотида.

ҚЎЗҒОЛОНЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

ШРИ-ЛАНКА. Ҳукумат Шри-Ланка ҳудудида ҳукм сураётган қўзғолончиларни бостириш, исёнчилар талабини ўрганиш чора-тадбирларини ҳам кўриб чиқмоқда.

КЎРФАЗДАГИ ТАНГ АҲВОЛ

Уммон давлати раҳбарлари давлат қуруқлик, айниқса, сув чегарасида барқарор тинчликни сақлашга алоҳида эътиборни қаратяпти. Кейинги олти йил ичида Уммон денгиз қўлтиғидаги сиёсий танг аҳвол ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Уммон Қироллиги кейинги пайтда Саудия Арабистони билан «узилиб» қолган муносабатларни тиклаш йўлларини қидиряпти. Қироллик қўлтиқда юзага келган аҳволни юмшатиш чорасини белгилаб чиқаяпти.

БЕГУНОҲ ҚУРБОНЛАР

СОМАЛИ. Сомалидаги аэропортда қарама-қарши тўқнашувда 24 нафар бегуноҳ одам қурбон бўлди. Яна 52 нафари эса оғир тан жароҳати олди.

Сомалидаги беқарор сиёсий вазият асосий жамоат ҳудудлари, шунингдек, аэропортда бегуноҳ йўловчилар «қарама-қаршилар» тўқнашувида жабрланиб қолмоқда. Манбалардан маълум бўлишича, Сомали фракциячилари ҳаракати сиёсий вазиятга таъсир этмоқда.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

ХДП Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари, пойтахтдаги шаҳар ва туманлар кенгашлари биринчи котиблари Гулистон шаҳрида тўпландилар. Бу ерда уларнинг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов «Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи ва Ўзбекистон ХДП ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Партия Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари кенгашларининг биринчи котиблари Т. Исмоилов, Г. Субхонова, Ў. Турғунов ҳамда Тошкент шаҳар ХДП кенгаши иккинчи котиби В. Медведев ва бошқаларнинг нутқлари маҳаллий ташкилотларимизнинг ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнидаги иштироки, Ўзбекистон ХДП МК пленумлари қарорларини амалга ошириш, партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, уларни рўёбга чиқариш, худудий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал этишда давлат ҳокимияти, бошқарув идоралари билан ҳамкорлик масалаларига бағишланди.

Семинар қатнашчилари Сирдарё туманидаги «Синдоробод», Оқолтин туманидаги Собиржон Сиддиқов номли, «Сардоба» ширкатлар уюшмаларининг бошланғич партия ташкилотлари иши билан танишдилар. Сирдарё туманидаги «Янги ҳаёт» ширкатлар уюшмаси бошланғич партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган «Маърифат» марказидан анжуман иштирокчилари мамнун бўлдилар.

Минтақавий семинар-кенгашда Сирдарё вилоят ҳокими муовини С. Усмонов қатнашди ва нутқ сўзлади. Унинг ишида Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ: СИЁСИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚИРРАЛАР

Ўзбекистон ХДП МарказиЙ Кенгаши биринчи котиби, фалсафа фанлари доктори А. Жалоловнинг «Мустақиллик масъулияти» (Т., «Ўзбекистон». 1996 й. 256 бет) китоби босмадан чиқди. Унда муаллифнинг мустақиллик маънавияти, мафкураси ва сиёсати масалаларига доир, вақтли матбуот нашрларида чоп этилган, мақолалари, мусоҳабаларидан намуналар тўпланган.

Китоб мамлакатимиз истиқлолининг беш йиллигига бағишланган бўлиб, унга юртбошимиз И. А. Каримовнинг: «Мустақиллик йиллари ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий уйғониш ва миллий ўзлигини англашнинг ўсиши давридир. Бу—озодлик руҳи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёрқин келажагига ишонч билан тўлиб-тошган даврдир»,—деган сўзлари эпиграф қилиб олинган.

Китоб тўрт асосий бўлимдан иборат бўлиб, улар «Истиқлол: мафкуравий муаммолар», «Сиёсий масъулият», «Жаҳон ва биз» ҳамда «Фалсафий янгиланиш масалалари», деб номланган. Тўплам Ўзбекистон ХДП фаолияти, фалсафа, сиёсатшунослик фанлари муаммолари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

• *Ўзбекистон давлати — бетакрор ижтимоий ҳодиса*

ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Истиқлолнинг тоза насимлари барча жабҳаларда ўзгариш, янгиланиш ва ўзига хос янги бир қиёфани ҳамда мукаммалликни вужудга келтирар экан, бу борада мустақил давлатнинг маънавий тараққиётини белгилаб берувчи ва юзага келтирувчи ҳолатларни ҳам бунёд этади. Шу нуқтаи назардан жонажон Ўзбекистонимизнинг бугунги кундаги инсон учун зарур бўлган барча тараққиётлари қатори маънавий қиёфасининг ҳам бетакрор бир кўринишга эга бўлиши шу кун талаби ва мустақиллигимизнинг ютуғидир.

Бу давр шундай бир даврки, амалга ошиши мумкин бўлган барча ислоҳотларнинг асосида бевосита МАЪНАВИЯТ ётади. Чунки, иқтисодий тараққиётимизнинг ҳам, сиёсий тараққиётимизнинг ҳам асосида ўзлигимизни англаш ётадики, бу бевосита маънавий баркамоллигимизни вужудга келтирувчи асос сифатида намоён бўлади. Ўзбекистон қисқа, шу беш йил вақт мобайнида мисли кўрилмаган даражадаги жаҳон андозаларига яқин ва мос равишдаги юксалиш даражасига эришмоқдаки, буни жаҳон халқлари тан олмоқда. Масалан, Япониядай юксак тараққий этган мамлакатга ишлаб чиқаришни жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун ўн беш йил вақт керак бўлган. Ваҳоланки, Ўзбекистонга ўша Япония учун керак бўлган 15 йилнинг ўрнига тўрт ярим — беш йил вақт кифоя қилганлигини япон мутахассисларининг ўзлари тан олишмоқда. Шунингдек, бугунги кунда жаҳон технологик тараққиётининг олдинги сафида бораётган Жанубий Кореядек мамлакатнинг энг илғор технологик ечимларининг Ўзбекистонда янгича тарзда кенг қўлланилаётганлиги ҳам юқоридаги фикримизнинг тасдиғидир. Бу мисолни келтиришимиздан мақсад, собиқ Иттифоқ даврида бизнинг миллий хусусиятларимизни ва жўғрофий ўрнимизни ҳисобга олмаган ҳолдаги кўпроқ ғарб мамлакатлари хусусиятларига хос бўлган кўрсатмаларни амалиётда қўлланишга ва улардан андоза олишга мажбур қилинарди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай зўрма-зўракилик ва тўғрироғи, мажбурий «ақл-идроклар» бизнинг халқимизни мусбўйсиндирилган халқлар онгида боқимандалик кайфиятини сингдириш ва қарор топтиришдан иборат эди. Буни биз нималарда кўришимиз мумкин? Масалан, юқорининг кўрсатмасига биноан планлар бажаришда, умрида пахта нималигини кўрмаган бир марказлик амалдорнинг бўйруғига биноан пахта етиштириш ва йиғиштириб олиш технологиясини амалга оширишда кўришимиз мумкин. Мустақилликнинг буюк неъматларидан яна бири шундаки, халқимиз ана шу даҳшатли боқимандалик иллатидан қутулди.

Яна шуни қайд этиш лозимки, мустақиллик маънавиятининг асосини ташкил қилувчи ўзбекона (бобомиз Амир Темур асос солиб кетган) давлатга мос бўлган давлатнинг Конституцияси яратилди ва у бетакрор Конституциядир. Маънавий қиёфани самимий ва инсонпарвар сифатида намоён қилиш унга қандай муносабатда бўлиш ҳолатидан келиб чиқади. Бу соҳада бурч, эътиқод, виждон эркинлиги каби ҳолатлар борки, уларга бўлган муносабат тўғри қўйилмас экан, кишилардаги ички тушунчаларнинг ўзаро уйғунлигини вужудга келтириш мумкин эмас. Ўзбекистон Конституциясида айнан шундай ҳолларга бўлган муносабат алоҳида-алоҳида ўз ифодасини топганки, бу албатта кишиларимиз ўртасида, айниқса, келажак жамиятни қурувчи ёшларимиз ўртасида олиб борилиши лозим бўлган таълим-тарбия ишларининг кўлами ва сифатини оширишга ўз ижросини топмоқда. Қачонки қонунлар ишлар экан, демак у халқ эҳтиёжидан келиб чиққанлигидандир.

Ўзбекистонда маънавият тараққиёти боболаримизга хос буюк ўтмишимизнинг ўзига хослигини (беғаразлик, самимийлик, меҳрибонлик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, ширинсуханлик, эътиқодлилик, имонлилик) бугунги кунда қайта тиклаш ва уни яна ҳозирги кун талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қайта яратиш каби муаммолари ўз ичига олади.

Юртимиз узра ҳилпираб турган байроғимизда, гербимиз ва давлатимиз мадҳиясида миллий ўзига хослигимиз яққол ифодалангандир. Байроғимиздаги ҳаворанг тинчлик ва осойишталик рамзи бўлса, оқ ранг софлик ва самимийлик тимсоли, яшил ранг эса маърифатга, илмга, гўзалликка интилишимиз, исломий қадриятларга содиқлигимиз рамзидир. Бу тимсолларда бизнинг юртимиз доимо тинчлик, осойишталик, ўзаро ҳамкорлик, бир-бирига нисбатан оқибатлилик, меҳр-шафқатлилик, сабр-тоқатлилик сифатларини намойиш қилиш тарафдори эканлиги ўз ифодасини топган. Давлат Гербида эса озодлик ва бахтга ўз меҳнатимиз, илм-маърифатимиз билан эришишимиз мумкинлиги таъкидланган. Бу рамзлар юртимизнинг — халқимизнинг — миллатимизнинг нақадар эркпарвар, тинчликпарвар ва инсонпарвар қадриятларга интилувчанлигидан далолат бериб турибди. Албатта, буларни халқимиз онгига сингдириш ва уларни қалб қўридан Ватанга, халққа, миллатга беғараз муҳаббатини намоён қилишларига имконият яратишимиз мустақил тараққиётнинг яна бир муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Бу жабҳада республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг ташкил этилиши ва унинг халқ орасида фаол маърифатчилик ишларини олиб боришга йўналтирилганлиги ҳамда бу ишларга Президентимиз ва ҳукуматимизнинг алоҳида эътибор бераётганлиги Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётининг беш тамойилида кўрсатиб ўтилганидек, маънавий тараққиётнинг алоҳида ўрни борлигидан ҳамда унинг давлатимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторига киришида асосий бўғинлардан бири эканлигидан далолат бермоқда. Давлатда бўлган талаб, эҳтиёжларни кучайтиради ҳамда уларга имконият яратади. Бу Конституция халқимизнинг мустабидлик замонида орзу қилиб келган умидлари, интилишлари, манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари холис ва батафсил ифодаланганлиги учун ҳам у Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун азиз ва муқаддасдир. Шунинг учун ҳам айтишимиз керакки, бу қонунлар амалиётда халқ томонидан қанчалик мўл-кўлчилик, тўкинсочинлик бўлмасин, у агар маънавиятнинг асоси меҳр-муҳаббат ва инсонийликка хос хусусиятларга таянмаса ва бу сифатларни мустаҳкамламаса жамият тараққиёти ўзининг ижобий хусусиятларини намоён қила олмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг барча вилоятларида бугунги кунда маънавиятимизнинг асосини яратувчи турли соҳадаги илм даргоҳларининг очилаётганлиги халқимизнинг маънавиятини янада юксак поғонага кўтаришнинг ўзига хос йўлларидан биридир.

Яна бир қувончли ҳол, жойларда халқ анъаналари, маросимлари, удумлари қайтадан тикланаётганидир. Турли халқ ўйинларининг (Форишда, Сурхондарё ва Фарғонада) кенг оммалашаётганлиги халқ маънавий хусусиятларининг жаҳон халқлари умуммаънавиятига яқинлашаётганлигидан далолат бериб турибдики, бу ҳам ўзига хос бетакрор маънавий-маданий ҳодисалардир.

Хуллас, Ўзбекистон бугунги кунда шарқона ўзига хос ва бошқа халқларнинг маънавиятини ҳурмат қилган ҳолда ўзбекларгагина хос хусусиятларини намоён этувчи маънавий меросимизни қайта дунёга келтириш, уни янгилаш, бойитиш, жаҳон халқлари маънавияти билан тенглашиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Бу албатта келажакда биз интилаётган шарқона, адолатли ҳуқуқий фуқаролик жамиятининг қарор топишига олиб келувчи маънавий заминни яратувчи бетакрор ҳодисанинг асл кўринишидир.

Ўрол АБИЛОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Иқтисодиёт олами

КАШФИЁТГА ФРАНЦИЯДА ҚИЗИҚИШМОҚДА

ФАРҒОНА. Маълумки, нефть конларидан унумли фойдаланилганда ҳам хом ашёнинг қарийб учдан бир қисми ер тагида қолади. Фарғоналик геолог Д. Султонов 20 йилдирки, ана шу муаммо билан қизиқади. Унинг нефть қазишдаги ноанъанавий усули кейинги пайтда муваффақиятли қўлланилянпти.

Хусусан, Тожикистоннинг Исфара нефть конларида Султонов усулининг қўлланилиши учта қудуқдан 600 тоннадан кўпроқ қўшимча нефть олишга имкон берди. Бу янгиликка францияликлар ҳам қизиқиб қолишди. Француз миллий нефть институти директори К. П. Симанду Фарғонага келиб, ўзбек олими билан ҳамкорлик шартномасини тузди. Олимнинг усулидан Марказий Осиё, Европа ҳамда Жанубий Америкадаги нефть қудуқларида фойдаланиш кўзда тутилган.

Алишер ИБОДИНОВ.

ФАБРИКАНИНГ ҲАҚИҚИЙ ХЎЖАЙИНЛАРИ

СУРХОНДАРЁ. Шўрчи мебель ҳиссадорлик жамияти ишчиси Бекмурод Абраматов бир йил аввал «дивиденд» сўзи талаффузини ўрганиш учун такрорлаб юрарди. Бугун унинг тили бурро. Боиси... корхонада 13 йил ишлаганини ҳисобга олиб, унга 17 та имтиёзли акция берилди. 40 дона акцияни ўзи сотиб олди. Йил якунига кўра жамоа бошқаруви «Мана акцияларимизга дивиденд» деб унга 10 минг сўмдан кўпроқ пул узатди. Бундан олинган фойда бир дона акцияга 170 сўм 60 тийиндан тўғри келди. Абраматов ва унинг ҳамкасблари вақтида олинган дивиденднни кўпайтириш учун янада яхшироқ ишлаш лозимлигини тушуниб қолдилар.

Олимжон УСАНОВ.

ШАҲРИСАБЗ КАЛИШЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабз туманида 450 га яқин нодавлат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. «Фирмамиз илгариги савдо уйи ўрнида иш бошлаганди, — дейди «Кешпласт» фирмаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи С. Примов. — Молдавиядан калиш тайёрлайдиган ускуналарни харид қилдик. Кадрлар малакасини оширишга эътибор қилинди. Ҳозир эса турли ҳажмдаги ҳар хил оёқ кийимларни аҳолига етказиб беряпмиз. Маҳсулотимизга эҳтиёж катта».

Фирма ўтган йили февраль ойида иш бошлаган эди. Шунга қарамай, 65 минг жуфт оёқ кийим тайёрланди. Бу йилнинг дастлабки ярмида эса 48 минг жуфт маҳсулот чиқарилди.

Илҳом КАРОМОВ.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

НУКУС. Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилаётган «Қорақалпоқтранс» бирлашмаси жамоаси шу йилнинг иккинчи чорагида юқори натижаларга эришгани учун Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат корпорациясининг биринчи даражали дипломи ва 40 минг сўмлик мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги кўрсаткичлар буйича 4 минг сўмлик мукофот билан тақдирланди. Жамоа халқ хўжалиги юкларини 105,3, йўловчилар ташиш режасини 110,6 фоизга етказиб бажарди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ЗАМИН САХОВАТИ

Ҳосил мўл — боғбон кўнгли чоғ

Тўрғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

• *Тарих — сабоқ*

ЖЎРА АМИН ЖАСОРАТИ

Буюк неъмат — юртимиз озодлигини кўролмай армонда кетган Ватан ўғлонларини номманом санаш мушкул. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳақиқий ватанпарвар Жўра Амин ҳам ана шуларнинг биридир. У Ўзбекистонни ҳур кўриш орзусида яшади ва шу йўлда азиз жонини фидо қилди.

Бухороликлар, айниқса жондорликлар ҳануз-ҳанузгача Жўра Аминнинг улуғ номини унутишмаган. Кексалар уни адолатпеша амин сифатида эслашса, Ғарбий Бухорода босмачилик ҳаракати тўғрисида ёзилган асарларда Жўра Амин босмачиларга бошчилик қилган қўрбоши сифатида тилга олинади. Хўш, аслида у ким бўлган?

Аминлар Бухоро инқилобигача юртнинг жонкуяри, деб саналган. Жўра Амин ҳам бундан мустасно эмас. Жондордаги Жўйзар бош ариғининг ана шундай нуфузли аминларидан бири бўлган Жўра Амин ташкилотчи, абжир йигит бўлган. 1909 йилда халқ ҳашарига бошчилик қилиб, Жондор ва Шаҳрислом туманлари деҳқонларини Жўйдор канали (узунлиги 43 километр)ни қазишга сафарбар этган. Канал қурилиши 76 кун деганда ниҳоясига етган. Каналга ўзи туғилган қишлоқ номи — Жўйзарни қўйган.

Жўйзар кексаларининг таъбирича, у адолатсизликка чидай олмасди, эл-улус ҳимоясида бўлган. Жўра Амин Бухоро «инқилоби»нинг дастлабки кунларида унга ишонган ва шўроларга садоқат ила хизмат қилмоқчи бўлган. Шўролар сиёсатининг асл моҳиятини тушуниб етгач, Жўра Амин кўп ўтмай миллий озодлик ҳаракатига қўшилган. Бу ҳаракат тарих тақозоси билан юзага келганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Унинг йўлбошчилари эл-юртга, ер-сувимизга келгиндилар эгалик қилишини исташмаган. Жўра Аминнинг бахтли тасодиф туфайли омон қолган ўғли Қутли бобо ҳозир ҳаёт. У киши шундай хотирлайди:

— Ўн ёшларда эдим. Отам бир куни дошқозонда ош дамлаттириб, кўнгил яқинларини дастурхон атрофига йиғди. Уни ҳурмат қилган қўшни қишлоқдагилар ҳам келишди. Шунда отам:

— Биродарлар, элдошлар! Мен бу ҳукуматга ишонмайман, оёқ олиши чатоқроқ. Ҳамма ерда миш-миш гап: янги ҳукумат амир хизматида бўлганларни ҳам ҳибсга олиб, ер-сувидан маҳрум қилармиш. Хуллас, бўйнимизга қуллик занжири илинмасдан, бирлашайлик, Бухоромиз — юртимиз озодлиги учун курашайлик! — дедилар.

Орадан сал вақт ўтмай, Жондорда ҳам тумонат одам тўпланиб, Жўра Аминни ўзларига қўрбоши этиб сайлаганлар. Шундан сўнг Жўра Аминнинг тарафдорлари кўпайиб, улар сони 200 дан 800 нафар кишига етган.

Дарвоқе, Қутли бобо ёшлигида 4-5 йил давомида отаси Жўра Амин билан бирга бўлган, жанг жадалларни ўз кўзи билан кўрган. У кишининг хотирасида муҳрланиб қолган яна бир воқеа:

«Ўртачўлдаги Қўлиёнқудуқ, Қамишли деган бир ерга келиб тушдик. Аскарларнинг сон-ҳисоби йўқ эди. Отам бир гурунгда: «Қўримиз ҳам мингтага яқинлашди. Худо хоҳласа, юртимизни босқинчилардан озод қиламиз», деганди. Отам қисқа вақт ичида Қамишлида масжид қурдирди. Отлиқ аскарларнинг ҳаммаси бу ерда беш вақт намоз ўқишарди. Ана шунда (1924 йил) отамга ҳамқишлоқлари — Раҳмат оқсоқол, Раҳмат Хўжа, Умид қорилар ревком Павловскийдан бир хат олиб келишди. Отам хатни ўқиб чиққач, ўйга толди. Хатда таслим бўлиш керакли-ги, шунда гуноҳларидан кечишлари баён қилинган экан.

— Бу йўлдан қайтиш йўқ! — деди отам. — Қасам ичганман, еримиздан кофирларни ҳайдаб чиқараман деб. Юртимни озод кўрсам, юрагимда армон қолмасди! Ё ғалаба, ё ўлим! Бола-чақамни Парвардигор паноҳига топширдим».

Бу сўзлар эътиқодига содиқ, ҳақиқий ватанпарварнинг қалб амри эди. Бу воқеа 1926 йили юз берганди. Жўра Амин тарафдорлари Қамишлидан Қўлиён, Эскиён қишлоқлари орқали Зарафшон дарёсини кечиб ўтиб, Хўжаёвонгача боришди. Қўшин бир пас нафас олиш учун тўхтайди. Шу пайт қизиллар ёпирилиб келишди. Жўра Амин уларни дурбин билан кузатди-да, сўнг душман кучи беш-олти баробар кўплигига ишонгач, қари-қартанг, от-улови, милтиғи ишдан чиққан элликдан зиёд кишини Қоракўл тумани томонга буриб юборди. Булар орасида ўғли Қутли ҳам бор эди. Тонг гираширасида улар ўз қўшинларидан ажралиб чиққан бир тўдага дуч келдилар. Улар орасида Жўра Аминнинг ёрдамчиси Ҳайит полвон ва сайиси Сафар тайлоқ ҳам бўлади. Улар қўрбоши қаҳрамонларча ҳалок бўлганлигини, у олдин аскарларини тўдатўдага бўлиб тарқатгани, сўнгра ўзи бир баланд қирнинг устига чиқиб жанг қилганини ва ўқ тегиб йиқилганини айтишади. Шундан сўнг Қутлини Музаффар Хўжа, Ҳотам Қурбон, Мулла Бозорлар Жондорга олиб келишади. Қутлини ёш деб ҳибсдан озод қилишади, қолганлар қатл қилинади. Бу пайтда Жўра Аминнинг хотинлари — Робия ва Муқаддас опалар ҳам қамоққа олиниб, минг қийноқдан сўнг қўйиб юборилган.

Ўн икки йил Жўра Амин оиласи сарсон-саргардон бўлди. Харгўш, Рухшобод, Юринболо каби қишлоқлардаги дарбадар яшашлик уларга анча азият олиб келди. Ниҳоят, 1938 йилда Йўлдош Охунбобоев бу ойла арзини тинглаб, уларни колхозчиликка қабул қилишга, отасидан олинган меҳмонхонани Қутлига беришга кўрсатма беради.

Ўша даҳшатли кун-тунлар тўғрисида Қутли бобо ҳам, у кишининг оғаинилари Қалмоқ буви, Бобомурод Жўраевлар ҳам гапириб адо қилолмайдилар.

Бу эл-юртга бўлган ҳадсиз муҳаббат, киндик қони тўкилган шу муқаддас тупроқни ҳамма нарсадан юқори қўйиш эмасми? Ватан, истиқлол тушунчасини теран ҳис қилган, элпарварликдек юксак туйғуни қалбига жо этган инсонларгина ана шундай жасоратга, фидойиликка қодирдирлар.

Сафар АҲМЕДОВ, журналист.
Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Қишлоқда ислоҳот қандай бормоқда?

ОЛТИНСОЙ ЗАВОДЛАРИ

Айни пайтда олтинсойликларнинг боғ-роғлари ва полизларида ғарқ пишиқчилик. Мева, полиз ва сабзавот маҳсулотларининг нобуд бўлишига йўл қўймаслик туман иқтисодиётини бойитади. Жамиятимизда кечаётган иқтисодий, ижтимоий, маънавий ислоҳотлар агросаноат тармоқларида ҳам бурилиш ясамоқда. Шу боисдан қишлоқда деҳқон ўз саноатига эга бўлиш, яъни етиштирган ҳосилини қайта ишлаш, истеъмол учун тайёр маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқариш йўлидан бормоқда. Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришнинг энг тўғри йўли ҳам шу бўлса керак. Бу ҳақда туман агросаноат бирлашмаси бош директори Тошпўлат Абдураҳмонов шундай дейди:

— Олтинсойликлар бундан 3-4 йил бурун ҳам ўзлари етиштирган узумни арзон-гаровга Россия ёки ўзимизнинг бошқа туманлардаги қайта ишлаш корхоналарига жўнатар эди. Натижада, йил якунида деҳқону соҳибкорнинг моддий манфаатдорлиги жуда паст бўларди.

Икки йилдирки, Тошпўлат ака бошчилигидаги ишбилармонлар саноатни, кичик завод ва қайта ишлаш корхоналарини Олтинсой қишлоқларига ҳам олиб киришди. Кейинги йилларда етиштирилган деярли барча ҳосил туман корхоналарида қайта ишланмоқда. Бугунги Олтинсой деҳқони завод ёки корхонанинг аҳамиятини тушуниб етган замонавий, маърифатли деҳқондир. Шу аснода юзлаб ишчи ўринлари пайдо бўлганини айтмайсизми? Ёз неъматлари туриб қолмаяпти. Исрофгарчиликка йўл қўйилмаяпти.

Тошпўлат Абдураҳмоновнинг айтишича, туманда хорижий ишбилармонлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шубҳа йўқки, туман боғ-роғларидаги қут-барака мамлакатимизнинг катта дастурхонига файз ва кўрк бахш этади.

Раъно ТОЖАЛИЕВА.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига

МЕҲРИНГ БИЛАН ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!

Ватан тушунчаси кенг маънода қўлланилса-да, инсон учун ҳатлаб ўтган остона, уй-гўша, чор атрофни ўраб олган тоғлар, поёнсиз қир-адирлар, уфқ-ла туташирб кетган ғаллазор — Ватандир. 60-йиллари ҳаётимда илк бор Тошкент аэропортидан самолётга ўтириб, хориж саёҳатига жўнаётган дақиқаларда битган шеърий мисраларимда Ватан тушунчасини шундай баён қилгандим:

Теграмда осмон,
Яхши қол она-ер!
Хайр, Ватаним!
Иллюминаторда сени
кўряпман...
Ватан!
Юрагимга ўхшайсан
маним.
О, қандай эркинлик,
Нақадар кенглик,
Поёнсиз кўринар мовий
гумбаз ҳам.
Сокинлик оғуши томон
учмоқда,
Ҳаёт денгизидан бу кема
илдам.
Сени севганданми, ҳар
бир нуқтани
Сенга қиёс этгум,
жонажон Ватан!

Ҳиссиётга берилмайинда, шу Ватаннинг бир парчаси ҳисобланмиш Ғаллаорол ҳақида бир-икки шингил ҳикоя қилиб берай.

70-йиллари туман ҳудудига ташриф буюрган қадимшунос олимлар «Ғаллаорол воҳаси энг қадимги даврларда Суғд давлатининг ажралмас таркибий қисми, ўрта асрларда эса мустақил бир давлатнинг Харакана деб аталган ривожланган маданий вилояти сифатида тилга олинади. Унинг заминида тарихи олис йилларга бориб тақаладиган Қўрғонтепа, Қинғиртепа, Сарбозтепа, Ғортепа ёдгорликлари, Маслаҳаттепа ибодатхонаси, машҳур Сак тақвими жойлашган Шаҳидтепа тилсимлари бекиниб ётибди» деб қимматли маълумот берган эдилар.

... Ва ниҳоят орадан уч йил ўтар-ўтмас археолог- олим Э. Қодиров бошлиқ қидирувчилар Қўрғонтепа ва Қинғиртепада қазиш ишларини бошлаб юборадилар... Сўнгра археологлардан А. Бердимуродов, М. Пардаевлар ҳарбий қалъаларда, Алмантепа, Жалмантепа, Лоп оқтепа, Нушкент шаҳар харобасида илмий-тадқиқот ўтказишди. Халқаро меъморчилик академияси академиги, меъмор М. С. Булатов тавсияси билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига қарашли Тошкентдаги санъатшунослик институти илмий ходимлари Сак тақвими бош қўрғони Шаҳидтепани қазишди...

Қадимги катта карвон — Ипак йўли ҳам шу ҳудуддан ўтган. Туркистон — Хитой йўли Сангзор воҳасидан ўтадиган дара орқали Зарафшон воҳаси ва Осиёнинг турли мамлакатлари, шаҳарлари билан боғланган. Машҳур қадимшунос олим, академик Яҳё Ғуломовнинг изоҳлашича, бу юрт ўлкаларини боғлайдиган иккита йўл бўлиб, шулардан бири Моргузар тоғининг ўтиш нуқтаси — Илон ўтди дарасидир. Бу дара тарихий манбаларда Темур дарвозаси деб юритилган. Дарвоза ўтмишда не-не фотиҳларнинг, жангу жадалларнинг гувоҳи бўлмаган дейсиз. Александр Македонский, Амир Темур, Султон Халил, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Абдуллахон...

Дастлаб туман маркази Сарбозор қишлоғида бўлиб, Янгиқўрғон номи билан юритилган. Жойларда зўр бериб «Қўшчи уюшма»лари, ширкатлар, артеллар тузила бошланди. Давом этаётган очарчилик халқнинг тинкасини қуритар, унга барҳам беришнинг бирдан-бир йўли — ғалларчилик ва пахтачиликни жадал ривожлантириш эди. Шу боисдан дастлабки ихтисослашган давлат ва жамоа хўжаликлари пайдо бўла бошлади. Шундай давлат хўжаликларидан бири — «Ғаллаорол» 1927 йилнинг 16 мартида тузилди. Унга ён атрофдаги кишлоқлардан 20 минг гектар ер майдони ажратиб берилиб, шундан 10 минг гектарига ғалла экилган. Айни пайтда хўжалик янгидан оёққа турааётган жамоа хўжаликлари учун тажриба мактабини ҳам ўтаган.

Бугунги кунда сув билан ишлайдиган биринчи электростанция, жамоа хўжаликларида ташкил этилган сут-пишлоқ цехлари, Катта Ўзбек тош йўли қай йўсинда қурилганини, 1932 йилнинг 16 мартида Лалмикор қўрғонида Ўрта Осиё пахтачилик институтининг тажриба станцияси очилиб бевосита лалмикорликда пахта етиштириш билан шуғулланувчи Янгиқўрғон агроучасткаси ташкил этилганини, минг машаққат билан Қўйтош вольфрам кони ишга туширилганини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Ғаллаороликларнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳам тилларда достон бўлди. 3 мингдан зиёд ёвқур йигитлар фронтга отланишди. Душман билан бўлган жангларда 1500 нафар ғаллаоролик жангчи жон фидо этдилар ёхуд бедарак кетдилар. Икки киши — марҳум Эшонқул Исмоилов ва Пётр Тройнин юксак мукофотга — Уруш қаҳрамони деган унвонга сазовор бўлдилар.

Ғаллаорол шаҳри марказида қад кўтарган ёдгорлик мажмуи, 15 та мактаб, Э. Исмоилов номли хўжалик ва «Ғаллаорол» илмий ишлаб чиқариш агрофирмаси марказларидаги эсдалик лавҳалари Иккинчи жаҳон уруши жангларида ҳалок бўлган ва бедарак кетганлар хотирасига жамики ғаллаоролликларнинг ҳурмат ва эҳтиромидир.

Туманнинг бугунги қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Сўнгги йиллар ичида ишга туширилган Шоди Мусулмонов номидаги 42 километрлик Мулкуш канали, Маржонбулоқ олтин кони, устки трикотаж буюмлар фабрикаси, мева-консерва, шароб ва ғишт заводлари, Қоровултепа сув омбори узукка ярашган гавҳар кўздек бўлиб турибди. Суғориладиган ер майдонлари 1966 йилдаги 20 гектардан бугунга келиб 3000 гектардан ошиб кетди. Шартли суғориб экиладиган пахтазорлар ўрнини боғ-роғлар, узумзорлар эгаллади. Сабзавот ва картошка экиладиган майдонлар қарийб 100 баробар кўпайди.

Туман ҳудудида 7 та саноат корхонаси, 3 та автокорхона, 10 та қурилиш ва 8 та савдо ташкилотлари, газ узатиш, агробизнес коллежи, тиббиёт билим юрти, ҳунар-техника лицейи, 85 та умумтаълим мактаби, ўнлаб тиббиёт, спорт, маданий-маиший хизмат кўрсатиш нуқталари, маданий-оқартув ва мактабгача тарбия муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Йилига ўрта ҳисобда 170 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари, 54 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, 45 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда, ташкилотлар ҳисобидан 8 минг квадрат метр уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилябти, 200-300 гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланаётир.

Ҳажми 53 миллион кубометрлик Қоровултепа сув омборидан ташқари сиғими 0,8 миллион кубометрлик Сафарсой ва 1,5 миллион кубометрлик Узунбулоқ сел сув сақлагичлари қурилиши давом эттирилмоқда.

Аҳолига йилига 170 миллион сўмлик савдо, 1,7 миллион сўмлик маиший, 20 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатиляпти. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, 90 фоиз ташкилот ва корхоналарнинг мулк шакли ўзгарди. 20 та корхона очиқ ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиб, ўз акцияларини чиқармоқдалар. Эндиликда туман ҳудудида 72 та тегирмон, 8 та мойжувоз, 60 га яқин гўшт дўконлари, 70 та ошхона-чойхоналар ишлаб турибди. Жойларда 387 та деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик тантаналарига уланиб кетадиган туман тўйи арафасида унинг юкини кўтарган, урушдан кейинги тинч қурилиш йиллари меҳнатини таъминлаган, бугунги шодмон кунларга шерик бўлолмаган марҳум Абдураҳмон Шодибоев, Тўра Норбеков, Болта Худойназаров, Абдусаттор Мирзакаримов, Даврон Йўлдошев, Ашир Турсунов, Қарши Пирназов, Қундуз Мусурмонов, Абдуқодир Сангиров, Шоди Мусулмонов, Тўйчи Худоёров сингари ўнлаб фидойиларнинг руҳлари олдида таъзим қиламиз.

Қутлуғ кунга тайёргарлик ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. Ўтказиладиган, ташкилий, маданий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Фанлар академияси Я. Ғуломов номли археология институти, Самарқанд чет тиллар институти ва Жиззах педагогика институти ва маҳаллий тарихшунослар иштирокида Ғаллаорол туманига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Галдаги вазифа — Катта Ўзбек тракти чеккасида жойлашган, ҳозирча ёши 2300 йил деб ҳисобланган Қангли ва Сарбозор қишлоқлари ҳудудидаги қўрғонларда археологик қазиш ишларини олиб бориш, Шаҳидтепадаги Сақ тақвими комплексини тартибга келтириш билан чет эллик сайёҳлар учун «очиқ музей» ташкил этишдан иборат деб белгиланди.

Ҳа, Ғаллаорол — буюк Ватанимизнинг бир парчаси. Ватанни севмоқ — иймондандир!

Абдуҳамид САРИБОЕВ,
Ғаллаорол тумани ҳокими ўринбосари.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

«ПУЛ ФАБРИКАСИ» ФОШ ЭТИЛДИ

. **ТАЙБЭЙ**. Тайванда ХХР сохта валютаси — юан ишлаб чиқарувчи яширин «пул фабрикаси» фош этилди. Тайбэй радиосининг хабар беришича, мазкур фабрика асосчилари ака-ука Чжоулар бўлиб, уларнинг раҳбарлигида катта миқдордаги сохта пуллар ишлаб чиқарилган. Жумладан, сўнгги йилларда чоп этилган сохта пул 500-600 миллион юанни ташкил этади.

Маълум бўлишича, сохта пуллар Хитойнинг шарқий ҳудудларига жўнатилиб, у ерларда турли йўллар билан ҳақиқий юанга алмаштирилган. Сўнг эса Гонконгда АҚШ ва Гонконг долларига айлантирилган.

ЛИВАН БОШ ВАЗИРИНИНГ БАЁНОТИ

. **БАЙРУТ.** «Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнига нисбатан салбий муносабатини ўзгартирса, Ливан у билан музокаралар бошлашга тайёр», дея баёнот берди Ливан бош вазири Рафиқ Ҳаририй.

Баёнотда таъкидланишича, Ливан ҳукумати Исроил армиясининг босиб олинган барча араб ерлари, жумладан, Жанубий Ливан ҳудудлари ва Жўлан тепаликларидан олиб чиқиб кетилишини маъқуллайди.

ИҚТИСОДИЙ ҚАМАЛ КУЧАЙМОҚДА

. **НАЙРОБИ**. Бурундига нисбатан халқаро иқтисодий қамал кундан-кунга кучаймоқда. Руанда Африка давлатлари ичида Бурундига қарши ана шундай иқтисодий жазо чоралари жорий этган бешинчи мамлакат бўлди.

Маълумки, июль ойида Танзанияда бўлиб ўтган Африка мамлакатлари давлат раҳбарларининг ҳудудий учрашувида Бурунди ҳарбий ҳукумати олдига қўйилган шартлар бажарилмагани боис, ушбу мамлакатлар Бурундига нисбатан иқтисодий жазо чоралари жорий этишга қарор қилган эди.

Айни вақтда бевосита денгизга чиқиш йўлларига эга бўлмаган Бурунди бутунлай иқтисодий қамалда қолиб кетди. Кения, Уганда, Танзания, Эфиопия ва Руанда Бурунди билан ҳаво, темир йўл ва автомобиль алоқаларини тамомила узиб қўйишдан ташқари, у билан ҳар қандай савдо муносабатларини ҳам тўхтатди.

БМТ болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) огоҳлантиришича, иқтисодий қамал Бурунди иқтисодиётини яқин кунлар ичида кескин издан чиқариб, мамлакатда оммавий очарчиликнинг бошланишига сабаб бўлиши мумкин. Очарчилик оқибатлари биринчи галда болаларга таъсир кўрсатиб, 30 минг нафардан зиёд гўдак ўлим хавфи остида қолади.

БАКТЕРИЯ ҚУРБОНЛАРИ

. **ТОКИО**. Японияда «О-157» бацилласи деб номланган бактерия қурбонлари сони кундан кунга кўпайиб бораётир. Тиба шаҳрида ушбу бактериядан заҳарланиш натижасида буйраги касалланган бир яшар қизалоқ ҳаётдан кўз юмди.

Маълумки, ҳукумат эпидемия билан курашиш учун фармон чиқариб, унда тиббиёт ходимларига катта ҳуқуқлар, хусусан, одамларни мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтказиш ваколатини берган эди. Лекин шунга қарамай, бацилла 8 кишини ҳаётдан олиб кетди. Фожианинг асосий хусусияти шундаки, мутахассислар ҳанузгача заҳарли бактериянинг қайси манбаъдан тарқалаётганини аниқлай олмаяпти.

ОФАТЛАРНИНГ ЭНГ КАТТАСИ

.**МАДРИД**. Испания шимолидаги Арагон вилоятида тинимсиз ёғингарчилик туфайли маҳаллий тўғон қўпорилиб, катта сув тошқини юзага келди. Дастлабки маълумотларга қараганда, табиий офат 30 кишини ҳаётдан олиб кетган, жароҳат олганлар 200 нафардан ортиқ.

Тошқин кўплаб қишлоқлар ва сайёҳлик ҳудудларини қоплаб олган. Бир қанча аҳоли истиқомат қиладиган ерлар ташқи оламдан бутунлай узилиб қолган.

Мутахассисларнинг фикрича Арагондаги тошқин сўнгги 15 йил ичида Испанияда содир бўлган табиий офатларнинг энг каттасидир.

МУКОФОТГА ТАҚДИМ ЭТИШ БОШЛАНДИ

. **НЬЮ-ЙОРК.** Ҳар йили АҚШнинг киношунисликда энг йирик соврини — «Оскар» мукофотини тақдим этадиган Америка кино академияси 70 мамлакатнинг киночилар миллий қўмиталарига таклифнома юборди. Унда «Энг яхши хорижий фильм» туркуми бўйича бериладиган соврин учун фильм тақдим қилиш сўралган.

Конкурс шартларига биноан, унда иштирок этишни истаганлар аризаларни 1 ноябргача, фильмларни эса 18 ноябргача топширишлари керак. Фильмлар бир неча ой давомида намойиш этилгач, мукофотга сазовор фильм — номзодлар қаторига қўшилади.

МИНАЛАРНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ УЧУН МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

. **БРЮССЕЛЬ**. Европа Иттифоқи Босния ва Герцеговинадаги миналаштирилган ерларни зарарсизлантириш учун 4,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу икки давлат ҳудудига қарашли ерларда 3 миллиондан ортиқ мина кўмилган бўлиб, бу ҳол иқтисодиётни тиклашда ва қочоқларнинг ўз уйларига қайтишида анчайин катта тўсиқ бўлади.

Миналарни зарарсизлантириш учун ажратилган маблағ минтақада жойлашган БМТ қуролли кучларига топширилади.

ЎЗБЕК ҚЎШИҚЛАРИ ФРАНЦИЯДА

Август ойининг бошларида Франциянинг Лангон шаҳрида «Ғаройиб кечалар» номли V халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестивалнинг аҳамияти шундаки, уни 4 кун ичида 6-7 минг киши томоша қилди. Фестивалнинг ўзига хос хусусияти эса унда турли мамлакатлар хонандаларининг иштирок этганлигида. Бу йилги тадбирда Миср, Бразилия, Болгария, Албания ва Африка санъаткорлари ҳам қатнашдилар.

Истеъдодли хонанда Матлуба Дадабоеванинг чиқиши, айниқса мухлислар қалбидан алоҳида ўрин олди. У француз қўшиқ шайдоларини ўзбек миллий қўшиқ санъатининг дурдоналаридан «Эй, дилбари жоним», «Самарқанд ушоғи», «Талқини баёт», «Тановар», «Омон ёр» каби қўшиқ ва лапарлар ижроси билан хушнуд этди.

Фестивал ташкилий қўмитаси раиси, таниқли мусиқашунос Патрик Лавонинг таъкидлашича, ўзбек хонандасининг иштироки кечага ўзгача жозиба бағишлади. Матлубанинг ўзбек миллий мусиқа асбоблари жўрлигидаги майин, ширали овози француз қўшиқ шинавандаларининг олқишларига сазовор бўлди.

Ташкилотчилар ўзбек қўшиқчиси ижросидаги дастур асосида лазер диски чиқариш ниятлари борлигини маълум қилдилар. Фестивал қатнашчиларининг эътирофларига кўра, француз қўшиқ шинавандалари ўзлари учун ўзбек юлдузини кашф этганлари маълум бўлди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

. **ОТТАВА.** Бу ерда 8 та Арктика мамлакати — Дания, Исландия, Канада, Норвегия, Россия, АҚШ, Швеция ва Финляндия давлатлари ҳукумат делегацияларининг навбатдаги амалий мажлиси ниҳоясига етди. Унда эълон қилинган натижаларга кўра, сентябрь ойининг ўрталарида Арктика давлатларининг вазирлар даражасидаги учрашуви бўлиб ўтади ва «Арктика кенгаши»га асос солинади.

***

. **БМТ**. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий жазо чоралари қўмитаси Ироқнинг озиқ-овқат сотиб олиш учун етарли миқдорда нефть сотишга имкон яратадиган қонунни тасдиқдан ўтказди.

Шунингдек, мазкур қўмита Ироққа озиқ-овқат ва дори-дармонларни етказиш ва тақсим қилиш ишларини назорат қилиш учун Норвегия, Россия, АҚШ ва Франция давлатларидан кузатувчилар тайинлади.

***

. **МЕХИКО.** Мексика армиясининг бош қўмондони Герреро штатидаги ҳарбий базага номаълум шахслар томонидан ҳужум қилингач, бу жойга қўшимча ҳарбий бўлинма юборди.

Бу Герреро штатида халқ инқилоб армияси пайдо бўлгандан буён Мексика ҳарбий базасига қилинган ҳужумларнинг олтинчисидир.

***

. **ТОКИО.** БМТнинг табиий офатдан жабр тортаётган Шимолий Корея аҳолисига ёрдам кўрсатиш ҳақидаги мурожатига жавобан Японияда КХДР халқига ёрдам кўрсатиш ташкилотига асос солинди.

Шимолий Корея июль ойидаги ёғингарчиликлар туфайли 1,7 миллирад АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди. Ваҳоланки, ҳали 1995 йилдаги табиий офатдан етган иқтисодий йўқотишларнинг ўрни қоплангани йўқ.



Германиядаги Франкфурт шаҳри қурилиши

Абдувоҳид ТУРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Жаҳон кино юлдузлари ҳаётидан

«Келгинди—4» келадими?

«Ўзга сайёраликлар» ҳақида кўп эшитдик, фильмлар кўрдик.

Тунги сеансларда кўпроқ шундай олди-қочди, ёинки саргузашт кинокартиналарни намойиш этиш расм бўлиб кетди.

Қанчалик қаршилик қилмайлик, фарзандларимиз шундай фильмларнинг ашаддий мухлисига айланиб қолган.

Чет эл фильмларида, Европада ўта даҳшатли картина, Осиёда карат-э, у-шу айниқса, Брюс-Ли суратга тушган фильмларнинг бизда «харидори» кўп. Киносанъатчиларга «бозори чаққон» мол-да. Майли, қаршимасмиз. Брюс-Лини кўрган ўсмир спортга, довюракликка интилар. Саргузштни кўрса «миршаб» бўлгиси келар. Жасурлик, зийраклик қобилиятини юзага чиқарар. Севги-муҳаббати-ю ўз йўлига.

Бундай фильмларни қораламоқчи эмасмиз. Кам кўришсин деган ниятимиз йўқ. «Сенсация» шундай қудратли кучки, уни бирор жойда бир дам «тўхтатиш», «ушлаб туриш» мутлақо мушкул.

Одам руҳияти мураккаб. Ёшларники эса ундан ҳам.

Шундай қўрқинчли фильмлар борки... «ҳазм» бўлгунча анча асаб тўрларини чоқчокидан ситиб юбориши турган гап.

Ўзим тиббиётчи бўлмасам-да, қизиқаман. Бирор воқеа-ҳодисани эшитсам тиббий хулосам билангина ишонтираман ўз-ўзимни. Бундан анча йил илгари шундай «даҳшат»лардан бирини кўрувдим.

Биласизми, ўзи азалдан ҳатто ҳинд киноларидаги «ур-сур»ларданам кўзимни юмиб оламан. Кўрқоқликданмас азбаройи ваҳшийликни бемалол «ҳазм» қилолмаганимдан.

Кейинги йилларда жаҳон матбуотида тинмай ёзишяпти. Бундай фильмларни танқид остига олишяпти. Ҳозир чет элда бундай фильмларни кўрмай қўйишган. Тўғри қилишади. Чет элларда томошабинларгина эмас, ҳатто аста-секин актёрларнинг ўзлари ҳам «даҳшат»лардан кўрқиб қоляпти.

«Келгинди» («Ўзга сайёралик») кинокартинасининг учта туркуми чиқди. Фантастика, ғирт ваҳиманинг уяси ўзиям. Уччала фильмда жаҳонга машҳур актриса Сигурни Уивер суратга тушганди. Ғузал Сигурнини режиссёрлар ўз фильмида ўйнашга кўндириш учун йиллаб «оғзини пойлашаркан».

Қобилиятли ижодкор Сигурни Уивер «Келгинди»нинг тўртинчисида суратга тушишга эса розилик бермади. Аниқроғи, юраги бетламади.

—Иккинчи картинадаёқ бошланди. Тушимда аллақайси кема палубасида «ўша ўзга сайёралик» мени таъқиб этяпти. Скамейка остига, бошимга сочиқ ёпиниб беркиниб олдим. Ҳис қиляпман, ана топди. Елкамдан ушлаб, бир парча этимни узиб олди. Дод солдим. Уйғондим. Билсангиз. Узиб олган жойи оғрийди ҳозирам. Ҳа, ҳа, ростакамига оғрийди... Врачларнинг айтишича, асаб тизимимда даҳшатнинг изи қолибди...

Актриса «даҳшат»дан кетмоқчи. Лекин бу осон бўлмаса керак. Контракт! Ҳа, «Келгинди-4» суратга олиняпти. Лекин ғўзал Сигурни бош тортди. Буни шундай изоҳлайди:

—Лирик образлар яратишга қайтдим. «Келгинди-4»да ўйнамайман. Севги—ўлмас мавзу! Тўғрироғи, оғушида бехавотир яшайсан...

Ўйланиб қоласан киши. Актрисанинг асаб тизимини ишдан чиқарган «Даҳшат» болаларимизга уларнинг саломатлигига таъсир этмасмикин? Шифокорларнинг, айниқса, руҳий касалликлар мутахассислари ҳам «ёш болалар орасида «асабий болалар кўпайяпти» деб куйинишларида жон бор-ов.

Китоб жавонингизга

ЎЗБЕКИСТОН ЯДРО ФИЗИКАСИ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ядро физикаси соҳасидаги кейинги ўн йилликлар мобайнида эришилган ютуқлар бу фанга катта қизиқиш уйғотди. Кўплаб дарсликлар, монографиялар, илмий-оммабоп рисолаларнинг чоп этилиши шу қизиқишга жавоб бўлди. Бироқ бизда ҳам, чет элларда ҳам физика тарихига бағишланган китоблар саноқли. Раҳим Бекжоновнинг «Ўзбекистон ядро физикаси тарихи» рисоласи эса худди ана шу бўшлиқни тўлдириши шубҳасиз. Унда физика фанининг иккита жипслашган соҳаси — қуйи энергиялар атом ядроси физикаси ва элементар зарралар (космик нурлар) физикасининг Ўзбекистонда пайдо бўлиш ва узлуксиз ривожланиш тарихи намоён бўлади. Китоб илмий-оммабоп эмас. Лекин ундаги баён иложи борича соддалаштирилган ҳолда, мураккаб математик ифодаларсиз берилган.

Асар рус тилида чоп этилган бошқа шунга ўхшаш китоблардан ўзбек китобхонига фойдалилиги билан фарқ қилади. Ўқувчи ундан кўп янги маълумотлар олади. Унинг ютуғи замонавийлигида. Ядро физикаси фанининг ҳозирги ривожланиш даражасида фан тарихига оид китоб сўнгги натижаларни ҳам ўзида ёрита билиши жуда қийин. Шундай бўлса-да, урушдан кейинги давр Ўзбекистон ядро физикасининг муваффақиятлари ажойиб тарзда баён этилган. Муаллиф майда-чуйда нарсаларга эътибор бермай Ўзбекистонда ядро физика фанининг ривожланиши ва ҳозирги ҳолати ҳақида ўқувчида тўла тасаввур ҳосил қилишга интилган.

Раҳим Бекжоновнинг мазкур китоби ўз мазмунига кўра икки хил таҳлилга эга. Биринчидан, у Ўзбекистон РФА Ядро физикаси институти ва бутун республикамизда ядро спектроскопияси соҳаси бўйича ўтказилаётган тадқиқотларнинг узлуксиз ривожланишининг тарихий шарҳидир. Иккинчи томондан, унда муаллифнинг, бошқа олимларнинг тажрибавий, назарий-илмий ишлари натижалари келтирилган, кенг умумлаштирилган, қисқаси, бу хулосалар чиқарилган муҳим илмий асардир. Унда ядро физикаси ва айниқса, ядро спектроскопияси соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланишида, шунингдек ҳар хил илмий, амалий мақсадни бажаришга қаратилган турли тадқиқий услубларнинг қўлланиши, ривожланишида Ўзбекистон олимларининг муҳим ўрни кўрсатиб ўтилган.

Муаллифнинг кўп йиллик илмий фаолиятини акс эттирувчи бир қатор монографиялари атрофлича таҳлил қилинган. Уларнинг баъзиларида лабораторияда яратилган илмий қурилмаларда қўйилиб, амалга оширилган турли ядро-физикавий тажрибалар баён этилган. Тажриба ишларига бағишланган ҳар бир монографияда тадқиқот услублари, ўлчаш натижалари ва назарий таҳлилга оид кўплаб муҳим маълумотлар берилган. Монографияларнинг баъзиларида эса муаллиф атом ядросининг тузилишига моделлар асосида ёндашишнинг ҳар хил томонларини чуқур изоҳлаб ўтиш билан бирга нозик структуралар таъсирини ҳисобга олувчи ҳамда тажрибавий ва мавжуд назарий натижалар орасидаги кўпгина тафовутларни тушунтиришга имкон берувчи янги ядро моделларини таклиф этади. Китобнинг охирида ядро физикаси ва ядро спектроскопияси фанларининг келажаги яхши баён этилган. Лекин мўлжалланган кенг мавзуни биргина китобда ёритиб ўтиш қийин. Чунки унда муҳим бўлган космик нурлар ва элементар зарралар физикавий тарихига оид баъзи бир маълумотлар кўрсатилмаган. Бу ҳол кейинчалик бошқа асарларда ўз аксини топади, деган умиддамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Раҳим Бекжоновнинг Ўзбекистонда ядро физикасининг ривожланиш тарихига оид китоби ёшлар, мутахассислар учун тажрибавий-назарий ядро физикасининг устувор муаммоларини белгилашда фойдали қўлланма бўлиб, у атом ядроси физикасининг ривожланишига қўшилган катта ҳиссадир.

Муаллиф таъкидлашича, ҳар бир миллатнинг тафаккур ривожига қўшган ҳиссаси ҳисобга олинмаса, фан ҳақидаги тасаввур ҳам тўлиқ бўлмайди ва у тарихдан ташқарида бўлади. Шу боис у бутун китоб давомида XX асрнинг иккинчи ярмида ядро физикаси бўйича янги ғоялар ва тажрибалар айнан «Made in Uzbekistan» белгиси билан дунё юзини кўрганлигини ўта ишонарли кўрсатади.

Ишончимиз комилки, мазкур китоб кенг ўқувчилар оммаси — илмий ходимлар, мактаб ўқитувчилари, талабалар, фан ва унинг тарихига қизиқувчи барча кишиларга фойдали бўлади.

Тоймас ЙЎЛДОШБОЕВ,
академик.
Толиб МЎМИНОВ,
ЎзРФА мухбир аъзоси, ТошДУ профессори.



«САҲРО КЕМАСИ» ҲАМОН МАҒРУР.

Муҳаммад АМИН олган сурат

ЮНУСОБОДГА ТРАМВАЙ ЮРДИ

Пойтахтимизнинг Амир Темур кўчасида олиб борилган таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Кўркамлик кашф этаётган бу кўча бўйлаб транспорт қатнови вақтинча тўхтаб қолган эди. Трамвай ва автобуслар ўзга кўчалар орқали Юнусобод даҳаси аҳолисига хизмат қилаётганди.

Ниҳоят, бунёдкорлар кўчадаги трамвай йўлини қайта тикладилар. 2, 3, 16, 25, 28-рақамли трамвайлар яна асл маршрутлари бўйлаб қатнай бошлади. Кўчадаги ер ости йўлаклари, чорраҳадаги транспорт қатновига мўлжалланган кўчалар ҳам битиш арафасида. Ҳадемай, кўча икки тарафи бўйича машиналар қатновига ҳам имконият яратилади.

А. АЛИМОВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0427

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.40

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

• Огоҳ бўлинг!

ДАВОЛАШДАН КЎРА ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

Ҳар бир юртнинг ўз иқлимига, урф-одати, анъаналарига боғлиқ равишда ўзига хос хасталиклари учраб туради. Бизнинг ўлкамизда ўткир диарея касалликлари кўпроқ учрайди. Халқимизда буни «овқатдан заҳарланиш, лаъланиш, ич бузилиши», деб ҳам аталади. Ушбу хасталиклар йил давомида учраб турса ҳам аксарият ёз ойларида, ҳаво ҳарорати кўтарилиб кетиши билан кўплаб қайд этилади. Олимларнинг исботлашича, соғлом одам ичагида учрайдиган ва касаллик қўзғатувчи микроблар тушганида уларга қаршилик кўрсатувчи фойдали микробларнинг сони ва рақобат кучи иссиқ иқлим шароитида камайиб қолар экан. Оқибатда инсон танасининг зарарли микробларга қарши ҳимоя кучи камаяди, касаллик келиб чиқиши осонлашади. Шунингдек, ёзнинг иссиқ иқлими зарарли микроблар кўпайиши учун қулай ҳисобланади. Ёз вақтида ичак инфекцияларининг кўпайишига сув ва бошқа суюқликларнинг кўп истеъмол қилиниши, чўмилиш ҳам сабаб бўлади. Кейинги йилларда оқар сувларнинг саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши оддий бир ҳолдек бўлиб қолди. Бундай ифлосланган сув «етти юмаласа ҳам ҳалол» бўла олмайди. Қишлоқ аҳолисининг маълум қисми ҳозир ҳам оқар сувдан кундалик ичишда фойдаланади.

Жазирама кунларда табиийки, одам сувталаб бўлиб қолади. Афсуски, давлат корхоналарида тайёрланган чанқоқбосди ичимликлар етишмайди. Бундай вазиятдан хусусий савдо қилувчилар жуда фойдаланадилар. Хонадонда тайёрланган айрон, компот, яхна чойлар билан савдо қилувчилар кўпайиб кетади. Уларнинг кўпчилиги оёқости, серқатнов жойларда чанг, ифлосга қарамай савдо қилаверадилар. Битта идишда чайинди сифатида фойдаланиш учун сув солиб қўйилади. Борйўғи икки-учта пиёла ёки стакан чайилавергач, айрон билан чайинди сувнинг фарқи қолмайди. Шундай ҳолатни кўра туриб, «муздек айрон»ни симириб кетадиганларнинг бефарқлигидан одам ранжийди. Устига устак улар айниқса, бозорларда қўлбола ҳасип, хоним, манти, пирожнийларни еб устидан ўша ҳозир айтилган ичимликларни ичадилар. Оқибатда кўп ўтмай ичак касаллиги келиб чиқади.

Кузатувлардан маълум бўлишича, ўткир ичак касалликлари болалар орасида кўп учрайди. Уларнинг дардга чалинишига кўпинча оналарнинг бепарволиги сабаб бўлади. Айрим оналар боласини эмизаётганида ёки овқатлантираётганида ҳатто қўлининг покизалигига ҳам эътибор бермайди. Бир марта тайёрланган овқатни кун давомида такроран берадиган эринчоқ оналар ҳам бор. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотчилари ичкетар хасталиги билан беморларга зарур бўлган тиббий ёрдамни зарурият даражасида кўрсатиш тизимини ишлаб чиққан. Лекин, мақсадимиз беморни даволашдан кўра, хасталикнинг олдини олишга қаратилган. У эса асосан аҳолига ҳар бир киши ўз саломатлиги эҳтиётини қилишига боғлиқ. Эҳтиёт чоралари ортиқча сарф-харажат талаб қилмайди, бажарилиши ҳам қийин эмас. Фақат уларни доимо ёдда тутиш, мунтазам равишда амалга ошириш лозим.

Покизалик ичак касалликларининг олдини олишнинг энг яхши йўли. Айниқса, гўдак бола бор хонадон покизаликка катта эътибор бериш керак.

Кўп йиллардан бери ечилмай келинаётган яна бир муаммо, ичимликлар истеъмол қилиш учун бир марта ишлатиладиган стаканларни етарли миқдорда тайёрлаш керак.

Мабодо касаллик аломатлари: кўнгил айниш, лоҳаслик, қорин қулдираши, қусиш, ич бузилиши пайдо бўлса, фурсатни бой бермай дарҳол шифокорга мурожаат этиш лозим. Даволаш қанчалик эрта бошланса, унинг нафи шунчалик яхши бўлади. Шифокор кўргунича, дастлабки тиббий ёрдам сифатида регидрон ва смектани эритиб ичиш тавсия қилинади.

Шоносир ШОВАҲОБОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар институти директори, тиббиёт фанлари доктори.

• Яхшилар ёди

ҒАЙРАТ ВА ҲАЙРАТ

Қалбида яратиш иштиёқи жўш урмаган кишидан ном-нишон қолмайди. Темур бобомизнинг улус эрки учун олиб борган курашлари, чеккан заҳматлари бугун кўнглимиздан ўчмас жой олган. У киши қурдирган бинолар қаршисида абадиятга дахлдор туйғулар беинтиҳо ҳайратга солади. Бу беш-олти аср юкига бардош бера олган иморатларни тиклаган бинокорлар маҳоратига баҳо топиш қийин. Бинокорнинг санъати ҳамма замонларда сўзсиз, тирик қўшиқ бўлиб яшаб келган.

Етмишинчи йилларнинг бошида тепаси гумбаз қилинган, нуқул пишиқ ғишт ишлатилган қатор савдо расталари қурилганда кўплар ҳайратга тушишганди. Шаҳрисабз бозорида қадимий бинолардан ёдгор Чорсу обидаси қаршисидаги бу расталар аслида унчалик кўркам эмасди. Маҳорат кейин келди. Алоҳида ғишт терувчи, кошин ишлатувчи бригадага асос солингач, 20-қурилиш ташкилоти оғизга тушди.

Ҳаёт ёнимиздан ҳам, олдимиздан ҳам ўтиб бормас, ҳаёт биз билан бирга давом этяпти. Баъзан уни ибтидоси ва интиҳоси кўзга ташланмайдиган — асрлар қаъридан-асрлар бағрига тўлиб оқиб бораётган дарёи азим, дейдилар. Бу дарёдан бирга сув ичганлар қадрига ҳамиша етавермаймиз. Бугун Ҳамид ака билан оз фурсат бўлса-да, суҳбатлашиш насиб этганини эсласам, негадир маъюс тортаман. Ўшанда, у чамамда етмишлардан ошган, ташкилот бошлиқлигини топширган, неварачеваралари қуршовида яшаётган кезлар эди.

— Мен қанча яшашимни билмайман, лекин қилган ишларимдан одамлар рози бўлишса, кўнглим тоғдек кўтарилади, деганди шунда Ҳамид ака ўйчанлик билан. У кишининг умр йўлдоши Каромат ая шундай ҳикоя қилади;

— Раҳматлик бировдан ҳайиқмай ишлайдиган кунларни орзу қилардилар, саксон олтинчи йили оламдан ўтдилар. Бировнинг ишқи ерга, бировнинг ишқи қирга тушармиш. Деҳқон даладан, чўпон қир-адирдан узилолмайди. Ҳамид аканинг қалбига бинокорлик сўнмас ишқ сояган экан. Оддий бинокорликдан катта ташкилот бошлиқлигигача кўтарилди. «Кўтарилди» ибораси аслида ҳеч нарсани ифода эта олмайди. Олтмиш бешинчи йилда бошлиқ бўлиб келганида, кичкинагина уйларни таъмирлайдиган идора эди. Олтмишинчи йилларнинг охирида Шаҳрисабз шаҳар 20-қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси, ўттиз-қирқ нафар қурувчидан юзлаб киши ишлайдиган қудратли ташкилотга айланди. Ўзининг автохўжалиги, бир нечта қурилиш ашёлари корхоналари, чорвачилик фермасига эга бўлган бу улкан ташкилотнинг ташвишини Ҳамид ака йигирма йил — то саксон бешинчи йилгача кўтарди. Бинокорларнинг маҳоратини Қарши шаҳри, қўшни туманлардаги буюртмачиларгина эмас, балки кўплаб корхоналар ҳам яхши билишар, ҳамкорлик қилишга интилишарди...

— Ҳамид ака, илло руҳлари шод бўлсин, орамизда йўқ, — дейди 20-қурилиш ташкилотининг бош муҳандиси Азаматжон Қодиров. — **Аммо ишлари яшаяпти, шогирдлари янги-янги биноларни тиклашмоқда. Амир Темур бобомизнинг қутлуғ тўйи арафасида Шаҳрисабзда олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларига биз ҳам ҳисса қўшяпмиз. Айни кунда шарқона кўринишдаги марказий бозор қурилишида иштироқ этяпмиз. Ҳамид ака билан беш йил бирга ишлаганман. Ёш бўлишимга қарамай, бош инженерлик вазифасини ишонган эди. Ҳозир ташкилотимизда мулк хусусийлашиб, ҳиссадорлик жамиятига айланган. Акциялар чиқаряпмиз.**

Ҳа, яхшилар ёди яшайди! Бинокорлар елкама-елка ишлаган устозларини яна сафларига «қўшиб олишди». Ўтган йилдан бошлаб ташкилот уста бинокор Ҳамид Бобоёров номи билан аталмоқда. Ҳамиша юртни обод қилишга ҳисса қўшиб кетганларнинг хизмати эҳдан чиқмайди. Бинокорнинг қурган иморатлари қўшиқ бўлиб, кўрк бўлиб, ҳайрат бўлиб яшайверади. Зеро, ҳаётнинг ўзи мўъжизалар, тенгсиз инъомлар тортиқ қилиб, шоир айтганидек, эвазига ҳар куни, ҳар дақиқа ҳайрат сўрайди...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

АНДИЖОНЛИКЛАР «ИБРАТ»И

«Андижон» теннис ўйингоҳида қизиқарли мусобақа ўтказилди. Тошкентда бўлиб ўтган «Ҳавас» мусобақасига ўхшаш бу баҳсда асосан ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари майдонга тушдилар. 200 нафардан ортиқ теннисчи уч гуруҳга бўлиниб, бир ҳафта мобайнида ғолиблик учун куч синашди. Жалолқудуқ тумани ҳокимининг ўринбосари Ғуломжон Худойбердиевнинг омади келиб, «Ибрат» теннис турнирининг ғолиби бўлди. «Андижонсавдо» вилоят концернининг раиси Азимжон Аюпов билан вилоят миллий хавфсизлик хизмати масъул ходими Валижон Турдиевлар 2- ва 3-ўринни эгалладилар. Мусобақа анъанавий равишда ўтказиладиган бўлди.

ИККИНЧИ ДАВРА БОШЛАНДИ

Ўзбекистон миллий чемпионатининг ҳал қилувчи давраси ўйинлари бошланди. Олий лига жамоалари ўртасида тўртта учрашув бўлиб ўтди. Бунда пахтакорчилар «Наврўз»ни қабул қилиб, 4:2 ҳисобида ғалаба қозондилар. «Пахтакор» ҳисобидаги очколар 32 тага етди. «Навбаҳор» ва Самарқанд динамочилари учрашувида 6:0 ҳисоби қайд қилинди. Навбаҳорчилар бу ғалабадан кейин 44 та очко билан пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашди. «Косонсой» — «Сўғдиёна» — 3:1, «Атласчи» — «Машъал» — 6:0. Турнинг қолган ўйинлари кеча бўлиб ўтди.

«ПАХТАКОР»НИ ЁД ЭТИБ

Тўрт йилдирки, авиация ҳалокатига учраган пахтакорчиларни ёд этиш маросимлари турли шаҳарларда ташкил этилмоқда. 1992 йили Янгиерда Николай Куликовнинг номи улуғланган эди. Бурноғи йили Бухорода Равил Агишев билан Владимир Собиров номи ёд этилди. Бултур эса Нарпайда туғилиб ўсган Сирожиддин Бозоровнинг руҳи шод бўлди. Бу сафар ашаддий мухлислар Навоий шаҳрига йўл олдилар. Бу ерда Шуҳрат Эшбўтаев камол топган. Ўтказилган хайрли тадбир кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ҳотира мусобақаси ўтказилди. «Прогресс» ва «Нурафшон» жамоаларининг биринчи ўрин учун учрашувида ҳисоб очилмади. Қўшимча вақтда ҳам шундай бўлди. 11 метрли тўп тепиш бўйича «Прогресс» 5:4 ҳисобида устун келди. «Зарафшон» жамоасини 1:0 ҳисобида енгган пахтакорчилар эса 3-ўринни олишди. Савобли тадбирни ташкил этишда косонлик ишбилармон, «Пахтакор-79» ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари Салим Бўтаёров ҳомийлик қилди.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 17 август, шанба куни чиқади).

Биласизми?

БАЪЗИ СЎЗЛАР МАЪНОСИ

ПАСПОРТ сўзининг асосида «порти», «шаҳар» ибораси ётади. Қадим Италияда «пассо-порто» сўзи «пропуск» (рухсат қоғози), яъни кеманинг у ёки бу гаванга киришига ҳуқуқ берадиган ҳужжат маъносини билдирган. Кейинчалик бу сўз яшаш жойига алоқадор маъно касб этиб, кишининг шахсий гувоҳномаси ифодасига айланган.

ЧЕМПИОН. Инглизчадаги «чампион» сўзи аввалига атлетикачи, курашчи маъносини билдирган. Кейинроқ у мусобақалар ғолиби маъносини англатадиган бўлган. Лекин бу сўз аслида қадимий римликлардан тарқалган. Чунончи, лотинчада «чампио» сўзи жангчи, аскар маъноларини билдирган.

РАДИО ибораси лотинчадаги «радиаре» (тарқатмоқ) сўзидан келиб чиққан бўлиб, фазога тарқатилган электромагнит тўлқинларини (радио тўлқинларини) симсиз қабул қилиш ёки узатиш деган маънони билдиради.

ПАРАШЮТ. Итальянча «пара» (муҳофаза) деган олд қўшимча француз тилидаги ўзакка қўшилиши билан ясалган бир қанча сўзлар бор: «парасол» (офтобдан муҳофаза қиладиган буюм), «параплюн» (ёмғирдан муҳофаза қиладиган нарса), «параван» (шамолдан муҳофаза) ва ҳоказо. Шунга ўхшаш «пара» ва «шют» (тушиш, сакраш) сўзларидан «парашют» сўзи вужудга келган.

ДЕКАН. Қадим римликлар аскарий қисмлардаги ўнбошилик (ўн солдат бошлиғи) лавозимини, ўрта асрлар даврида эса католик черковларида аббатларнинг ёрдамчиси ҳисобланган монахларни «дканус» деб юритишган. Ҳозир олий ўқув юртларида факультет бошлиғини билдирувчи «декан» сўзи шундан келиб чиққан.

КАПИТАН. Ҳозир қўшинларда кичик командирлик лавозимини билдирадиган ибора французчадаги «капитане» ва лотинчадаги «капитис» (бошлиқ) сўзларидан ясалган.

ГИМН. Қадим замонда Грециядa худолар ва қаҳрамонлар шарафига «хуммос» деб юритиладиган тантанали қўшиқлар айтилган. Ҳозирги «гимн» ибораси шундан олинган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт институти жамоаси институтнинг собиқ бўлим мудири, филология фанлари доктори

Маъруф Масъудович РАСУЛИЙнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош уруғларига ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари меҳнат жамоаси таҳририят ҳодими

Константин ТИМОХИНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.